

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА-КОНСТИТУЦИЯНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Фируза Муҳитдинова
ТДЮУ профессори,
Шоира Эрметова

фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди судьяси

Янгиланган Бош Қомусимизда инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилгани эътиборга моликБунда яқин йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилган ислохотлар қонуний асосга эга бўлади. , “Инсон қадрлари учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятида кўрар эканмиз, инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши муҳим конституциявий кафолатдир. Жумладан, конституциямизнинг 1-моддасида ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий ва демократик давлат тушунчалари киритилган юзлик, айнан ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиш беради. У – ижтимоий ҳимояни кучайтириш, фуқаролар ўртасида тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсатни амалга оширадиган давлатдир.

Жумладан, ижтимоий давлат муҳтожларга ўй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Шулар қаторида яшаш учун зарур ресурслар – ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, мажбурий меҳнатга тақиб қўйиш ҳам ижтимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Шу боис, бугун “аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” каби дафтарлар аҳолимизнинг муаммоларини ҳал этишга фаратилгани амалий иш бўлса, конституцияга киритилган ижтимоий давлат дегани кафолатидир.

Ана шундан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқ, яъни энг аввал – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи бўлиб, ўлим жазонинг бекор қилингани билан

бирга жазо муддатини ўтаётганларни ҳам қайта тарбиялаб, улар соғлом ҳаётга қайтиши учун янги нормалар киритилгани таҳсинга лойиқ. Зеро, қадимги Рим ҳуқуқида олтин қоидалар бор. Масалан, “ҳеч кимга бажариб бўлмайдиган мажбуриятни юклама” ёки “қонун – имконсиз нарсани талаб қилмайди”, каби қоидалар бўлиб, бугун ҳар бир инсонга унинг қобиляти, соолиғи ва эҳтиёжи асосида фаровон йўлга йўналтириш ижтимоий давлатнинг вазифаси бўлганидек, бу вазифаларни амалга оширишда янги нормалар киритилгани айни муддаодир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга фуқаролик бурчини ҳам унутмаслик керак.

Жумладан, жараёнда умумхалқ муҳокамаси орқали 220 мингдан ортиқ таклиф келиб тушгани ва уларнинг аксарияти эътиборга олиниши билан бирга, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлат тажрибаси ўрганилиб, олти турдаги экспертизадан ўтказилгани маълум қилинди.

Конституция “инсон – жамият – давлат” парадигмасига асосланган ва унда барча тоифаларнинг – ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўқитувчилар, ҳатто жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари акс этган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 28-моддасида агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланди. Қийноқ ва унинг барча шаклларига қарши мурасасиз муносабатда бўлиш йўлини танлаган Ўзбекистон учун бу жуда муҳим қадам. Шунингдек, янгиланган Конституциянинг 98-моддаси ҳам бевосита Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га тааллуқли бўлиб, унда Омбудсман институти қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли экани белгиланди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати энг илғор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилмоқда. Хусусан, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушбу муддат ушлаб туриш қонунийлиги ва асослиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши (“Хабеас корпус” институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги (“Миранда қоидалари”), шунингдек, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи белгилангани янгиликдир.

Бир жиноят учун бутун авлод жавоб бериши деган эскиликдан сақланган қоидага барҳам берилгани ҳам янгиликдир.

Шу боис Конституциямизга “Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас”, дешан норма киритилдики, “Озодликдан маҳрум этилган Шахс қариндошларининг судланганлиги асоси билан ҳуқуқлари чекланиши мумкин

эмаслиги қатъий белгиланиши инсон ўзининг яқинлари йўл қўйган хатолар учун жавоб бермаслигини таъминлайди.

Конституцияда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолган ҳолда, кенг кўламли ишлар билан бирга инсон манфаатига, эркинликларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилган нормала борки, улардан бири интернетдан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатланганида ҳам кўриш мумкин..

Шу боис ҳам, Конституцияга 27 та янги модда киритилган бўлиб, моддалар сони 128 тадан 155 тага ошди. Бош Қомусимизнинг амалдаги 275 та нормаси 434 тага кўпайди, яъни 65 фоизга янгиланди.

Конституциянинг 33-моддасида ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, шунингдек ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Ушбу моддада биринчи марта “Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади” деган қоида белгиланди. Жумладан, халыаро ҳуқуқ нормаларида яъни, Виндхук декларациясининг 1-бандида қайд этилишича, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасига мувофиқ мустақил, плюралистик ва эркин матбуотни таъсис этиш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш миллат демократиясини ва иқтисодий тараққиётини ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этади”.

Бизнинг бу борадаги ёндашувимиз ҳам айнан шундай. Яъни, сўз ва матбуот эркинлиги – Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишидир. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби”.

Виндхук декларациясининг 2-бандига кўра: “Мустақил матбуот, деганда – биз давлатдан, сиёсий ва иқтисодий назоратдан, газеталар, журналлар ва даврий нашрлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун зарур материаллар ҳамда инфратузилмалар устидан назорат ўрнатилишидан мустақил бўлган матбуотни тушунамиз”.

Виндхук декларациясининг 4-бандида “мустақил ҳамда плюралистик матбуот пайдо бўлиши учун тегишли муҳит” яратиш билан боғлиқ ўзгаришлар эътироф этилган. Декларациянинг 5-бандида қайд этилишича, “Демократияга ва ахборот ҳамда фикрни ифодалаш эркинлигига дунё миқёсида интилиш инсоният орзу-ниятларининг ижобати йўлида муҳим улуш ҳисобланади”.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Виндхук декларациясида тилга олинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида тўла ўз аксини топганини таъкидлаш лозим. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини

ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилмоқда.

Хусусан, халқимиз яқинда референдумда овоз берган янги таҳрирдаги Конституцияда учта йўналишда: биринчидан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини кенгайтириш; иккинчидан, оммавий ахборот воситалари эркинлигини янада мустаҳкамлаш; учинчидан, оммавий ахборот воситаларига фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири сифатида конституциявий мақом тақдим этилиши тимсолида сўз эркинлиги ҳар томонлама кафолатланди. Эндиликда янги таҳрирдаги Конституциянинг 33-моддасига мувофиқ:

“Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади”.

Эътибор беринг: янги нормалар билан ҳар бир шахснинг Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқи эътироф этилди. Мазкур ҳуқуқнинг таъминланиши учун бевосита давлатнинг ўзи шарт-шароитлар яратиши аниқ белгиланди.

Интернетдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи инсоннинг сўз эркинлиги ҳуқуқи доирасига киради. Ушбу ҳуқуқ, давлат чегараларидан қатъи назар, турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўзида қамрайди.

Жумладан Интернет орқали излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини истифода этувчи инсонлар зиммасига ҳуқуқлар билан бир қаторда мажбурият ва масъулият ҳам юклайди.. Шу маънода, 33-модданинг охириги бандидаги нормалар барчамизни ижтимоий масъулиятни англашга, оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирмадан, далилни бўҳтондан ажратишга даъват этади.

Шунингдек, бугунги “рақамлаштириш” замонида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли очиқ жамият барпо этаётган аксарият давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам ўз Конституциясида фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига оид янги нормаларни мустаҳкамлагани, бир томондан, фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга ошишига хизмат қилса, иккинчи томондан, ҳар бир инсоннинг ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий

ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади». Шу боис ҳам, янги таҳрирдаги Конституцияда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши учун кенг имконият ва кучли ҳимоя тақдим этилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари қатъий кафолатланди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланди.

Конституциянинг “Оммавий ахборот воситалари” деб номланган XV бобидаги иккита моддада оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги давлат томонидан кафолатланган. Хусусан, 81-моддага кўра:

“Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар.

Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир”.

Айни шу конституциявий нормалардан кўланган мақсад оммавий ахборот воситалари учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга, давлат ва жамият ўртасида амалий мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган конституциявий асосларни шакллантиришдир. Шунга ўхшаш нормалар Словакия, Испания, Жанубий Корея каби бир қатор мамлакатларнинг Конституцияларида мавжуд.

Ўз навбатида, янгиланаётган Конституциянинг 82-моддасида ушбу нормалар мустаҳкамланган:

“Цензурага йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”.

Демак, цензуранинг тақиқланишига оид норма оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият юритиши учун таъсирчан ҳуқуқий асос бўлади.

Иккинчидан, Янгиланган Конституцияда биринчи маротаба ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланди. Бу муҳим янгилик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон ўз олдида қўйган мақсадларидан Бу фикримизни 2022–2026

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида инсон қадрли устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашда “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилига асосланганининг кафолатидир.

Учинчидан, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари хусусий компаниялар томонидан бузилганлиги учун қонуний жавобгарликка тортиш чораларини кўриш, жабрланувчиларни тегишли ҳимоя воситалари билан таъминлаш учун, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлик, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш чораларини кўришда барча даражадаги инклюзив таълимни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтириш ҳамда ўқитувчи ва педагогларнинг тегишли тайёргарлигини таъминлашда, айниқса, гендер тенгликни таъминлан муаммосини ҳал қилиш ҳамда қишлоқ ҳудудларидаги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳларининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш оид халқнинг таклифлари асосида янгиланган Конституция бугун халқимиз ишончли қонунига айланмоқда.

Халқаро мажбуриятлардан келиб чиқиб, қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш ҳуқуқий тартиби мустаҳкамланди. Бунда 2022 йил 29 март куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу Қонунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд томонидан ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар мансабдор шахснинг айбидан қатъи назар давлат томонидан тўла ҳажмда қопланиши белгиланди.

Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ва Қийноққа қарши қўмитаси тавсияларига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Қонун лойиҳаси қийноқ ҳолатларини олдини олишнинг амалдаги механизмларини такомиллаштириш ва янги механизмларни жорий этишга қаратилган.

Хусусан, Конституцияда эътироф этилганидек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Конституция мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши белгиланди.

Шу пайтга қадар Конституция нормалари тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари орқали ҳаётга татбиқ қилинар, бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим бўшлиқларга сабаб бўлаётган эди. Юқоридаги норма, бир томондан, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканини амалда таъминласа, иккинчидан, халқимизнинг мавжуд ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз борар экан, бу ҳуқуқнинг амалда қандай таъминланиши жуда муҳим. Бунинг учун ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлангани диққатга саховордир.

Янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади.